

Авлиякулова Матлуба Авазовна

Тошкент вилоят иқтисодий судининг  
девоҳона мудири 2-даражали юрист



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2018-10-3>

## **БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ КЎРИШНИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ**

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон Республикасида банкротлик тўғрисидаги ишларни кўришни ўзига хос хусусиятлари, бу бўйича хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилган ҳамда ўрганилган материаллар асосида таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** Банкротлик, банкротлик институти, банкротлик суди.

---

Авлиякулова Матлуба Авазовна

Заведующая канцелярией  
Экономического суда Ташкентской области  
юрист 2-й степени

## **ОСОБЕННОСТИ ПРОЦЕДУР БАНКРОТСТВА И ОПЫТ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН**

**Аннотация.** В статье представлены рекомендации на основе изученных материалов дел о банкротстве в Республике Узбекистан и опыта зарубежных стран.

**Ключевые слова:** банкротство, институт банкротства, суд по делам о банкротстве.

---

Avliyakulova Matluba Avazovna

Economic court of Tashkent region  
Head of Chancellery  
lawyer of the 2nd degree

## **FEATURES OF BANKRUPTCY PROCEEDINGS AND THE EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES**

**Annotation.** The article presents recommendations based on the studied materials of bankruptcy cases in the Republic of Uzbekistan and the experience of foreign countries.

**Keywords:** Bankruptcy, Bankruptcy Institute, Bankruptcy Court.

**For citation:** Matluba Avazovna, Avliyakulova. FEATURES OF BANKRUPTCY PROCEEDINGS AND THE EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES. Journal of Law Research. 2018, 10 vol., issue 1, pp. 14-18

---

---

**Б**озор иқтисодиёти тадбиркорларни фойдали хўжалик юритишларини, ўзларига тегишли шартнома мажбуриятларини виждонан ижро этишларини, биринчи навбатда олинган қарзларни қайтариш, солиқларни тўлаб бориш, олинган товарлар, бажарилган ишлар ва хизматлар учун тўловларни ўз вақтида тўлаб борилишини талаб этади.

Бозор иқтисодиётининг тамойилларидан бири бўлган эркин рақобат корхоналарнинг қонун асосида фаолият юритишини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга. Иқтисодий муносабатларнинг пухта ўрнатилмаганлиги, бозор талабларининг инобатга олинмаганлиги, хўжалик юритиш жараёнидаги билимсизлик корхоналарнинг зарар кўришига ва пировард натижада иқтисодий ночорлик (банкротлик)нинг юзага келишига олиб келади.

Банкротлик (италияча - синган курси, синиш) фуқаро, корхона, фирма, ёки банкнинг маблағи етишмаслигидан ўз мажбуриятлари бўйича қарзларни тўлашга қурби етмаслиги, қарздорнинг мажбуриятлари мол-мулкидан ошиб кетганлиги сабабли товар (ишлар, хизматлар)га ҳақ тўлаш юзасидан кредиторларнинг талабларини қондиришга қодир эмаслиги, шунингдек бюджетга ва бошқа жамғармаларга мажбурий тўловларни таъминлашга қодир эмаслиги тушунилади [1].

Ўзбекистон Республикасининг "Банкротлик тўғрисидаги" Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади)нинг 2-моддасида қайд этилишича, банкротлик (иқтисодий ночорлик) - иқтисодий суд томонидан эътироф этилган ёки қарздор ихтиёрий равишда тугатилаётганида унинг ўзи эълон қилган қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларни тўла ҳажмда қондиришга қодир эмаслиги, шу жумладан бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни таъминлашга қодир эмаслиги тушунилади.

Қонун барча юридик шахсларга (бюджет тақилотлари бундан мустасно) ва яқка тартибдаги тадбиркорларга, шунингдек агар пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик аввалги тадбиркорлик фаолиятидан келиб чиққан бўлса, тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсларга ҳам нисбатан таъбиқ этилади.

Банкротлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунга мувофиқ қарздор, кредиторлар ва манфаатдор шахслар қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Юридик шахслар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар қарздор давлат рўйхатидан ўтган жойдаги иқтисодий судларда кўрилади.

Ўзбекистон Республикасининг 14 та маъмурий-худудий бирлигида вилоят даражасидаги 14 та иқтисодий суд ҳамда ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқишга ваколатли бўлган 71 та туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари мавжуд.

2019 йил 4 ой давомида (01.01.2019 й. - 01.05.2019 й) иқтисодий судлар томонидан банкрот деб топилган корхоналарни тугатиш билан боғлиқ статистик маълумотларга назар ташайдиган бўлсак, Республика бўйича 4 ой ичида жами 2045 та корхона банкрот деб топилган [2]. Тошкент вилоят иқтисодий судининг 2019 йил 1 январдан 2019 йил 1 сентябргача бўлган статистик маълумотида кўра, 29 та корхона банкрот деб топилган.

---

---

Шу сабабли банкротлик таомилларини янада содалаштириш, суд бошқарувчилари фаолиятини такомиллаштириш, халқаро рейтингларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш, 2017-2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси талабларини ҳамда "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2019 йил 1 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Банкротлик таомилларини янада содалаштириш ва суд бошқарувчилари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарорни имзолади.

Президентимизнинг ушбу қарори соҳадаги чалкашликларга барҳам бериш, банкротлик ҳолатларини қайд этишнинг содалаштирилган, шаффоф тизимини амалиётга жорий этишни таъминлайди.

Унга кўра, 2019 йил 1 июлдан эътиборан, агар солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни ундириш имкони бўлмаса, давлат солиқ хизмати органлари ижро ҳужжатлари қайтарилган кундан бошлаб 30 кундан кечиктирмасдан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин бўлади. Амалдаги қонунчиликда эса бундай муддат умуман белгиланмаган эди.

Иккинчидан, банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда, қарздор юридик шахсга нисбатан жами талаблар суммаси энг кам иш ҳақи миқдорининг камида уч юз баравари, қарздор якка тартибдаги тадбиркорга ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсга нисбатан эса энг кам иш ҳақи миқдорининг камида йигирма бараварини ташкил этса, суд томонидан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилиши мумкин.

Ушбу суммаларнинг сезиларли даражада пасайтирилиши ҳам бежиз эмас. Амалдаги банкротликка оид қонунчиликка кўра, банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш учун қарздор юридик шахсга нисбатан жами талаблар суммаси энг кам иш ҳақининг камида беш юз баравари, қарздор якка тартибдаги тадбиркор ёки ушбу мақомни йўқотган жисмоний шахсга нисбатан эса энг кам иш ҳақининг ўттиз бараварини ташкил этиши лозим эди. Бу ҳолат ўз-ўзидан кредиторлик қарзларининг асоссиз равишда ошиб кетишига олиб келади.

Учинчидан, тугатишга доир иш юритиш муддати тўққиз ойдан ошмаслиги лозим, алоҳида ҳолларда ушбу муддат банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахсларнинг илтимосномасига асосан суд қарори билан уч ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин. Ваҳоланки, бунга қадар банкротлик ишлари бир йил ичида қўриб чиқилган бўлса, ушбу муддатни белгиланмаган муддатга узайтириш имконияти мавжуд эди. Бу эса банкротлик ишларининг асоссиз равишда чўзилишига шароит яратаётган эди. Жумладан, Тошкент вилоят иқтисодий суди мисолида оладиган бўлсак, 2017 йил 1 январдан 2019 йил 1 сентябргача бўлган статистик маълумотга кўра, 34 та банкротлик ишини кўриш муддати бир йилдан, 4 тасиники икки йилдан ортиқ муддатга чўзилган.

Шунингдек, қарорга мувофиқ, бефициар ва афилланган шахсларнинг биргаликдаги хатти-ҳаракатлари оқибатида сохта банкротлик, банкротликни яшириш ёки қасдан банкротликка олиб келиш аломатлари аниқланганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳукми мазкур шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда субсидиар жавобгарликка тортиш учун асос

---

---

ҳисобланади. Амалдаги қонунчиликда эса жавобгар шахсларнинг доираси келтирилиб ўтилмаган эди.

Бундан ташқари, қарорда банкротлик таомили қўлланилган қарздорлар мулкнинг тақдирига ҳам аниқлик киритилган. Бундан буён қарздорларнинг мол-мулки аввалгидек аукцион ва танлов савдоларида эмас, балки суд бошқарувчилари томонидан "E-IJRO AUKSION" ягона электрон савдо майдончасида электрон онлайн-аукцион орқали, ҳамманинг кўз ўнгида, шаффоф тарзда сотилади. Табиийки, бу билан жараёндаги айрим қингирликларга ҳам барҳам берилади.

Хориж тажрибасига тўхталадиган бўлсак, ҳар бир давлатда банкротлик тўғрисидаги қонундан ташқари, Банкротлик кодекси (АҚШ, Ҳиндистон ва ҳ.к), айнан банкротлик суд ишларини кўрувчи ихтисослашган судьялар ҳам мавжуд. Бундан ташқари баъзи бир давлатларда махсус суд ҳисобланган банкротлик судлари (АҚШ, Япония, Аргентина ва ҳ.к) ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Жумладан, АҚШда 94 та федерал суд мавжуд бўлиб, улар биринчи инстанцияда айнан банкротлик тўғрисидаги ишларни кўради. Банкрот тўғрисидаги ишларни кўрувчи судьялар айнан шу соҳанинг етук мухассисларидан ташкил этилган. Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қароридан норози бўлган томон апелляция шикоятни билан Федерал округ судининг банкротлик иши бўйича махсус Апелляция ҳайъати (инг. Bankruptcy Appellate Panel; BAP)га мурожаат қилиши мумкин [3].

Мамлакатимизда эса ҳўжалик юритувчи субъектларни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризалар туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларида биринчи инстанцияда кўрилади. Биринчи инстанциянинг ҳал қилув қароридан норози томон Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судларида апелляция ёки кассация тартибида шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Апелляция ёки кассация қароридан норози томон Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига назорат тартибида шикоят қилиши мумкин.

Янги тайинланган, банкротлик тўғрисидаги ишларни юритиш бўйича етарли тажрибага эга бўлмаган судьялар иқтисодий суд соҳасининг энг мураккаб институти банкротлик ишларини ҳам кўришга мажбурдир. Сабаби ҳозирги кунда иқтисодий судларда даъво ариза ва аризалар судьяларга автоматик тарзда тақсимланмоқда [4]. Бу дегани янги келган судья ҳам кўп йиллик тажрибага эга судья билан бир қаторда мураккаб бўлган банкротлик ишини кўрмоқда.

Шулардан келиб чиқиб хулоса ўрнида қуйидаги таклиф ва тавсияларни баён қилмоқчиман: авваламбор юридик шахс раҳбарлари ва яқка тартибдаги тадбиркорларни ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтириш керак. Яъни ҳўжалик юритувчи субъектлар давлат рўйхатидан ўтказилишидан олдин унга 2 ойлик ҳуқуқий соҳада дарс берилиши керак. Бу эса уларнинг шартномаларни имзолашдан олдин ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаб етишга олиб келади.

Ҳуқуқий соҳада етарли билимга эга шахс ўзининг мажбуриятини бажармаслик қанақа ҳуқуқий оқибатга олиб келишини яхши англайди. Агар ушбу таклифим амалга ошса, банкрот ҳўжалик юритувчи субъектлар камаяди. Бу эса мамлакатимизда тадбиркорликни янада ривожланишига шароит яратади.

Мамлакатимизда йилдан йилга ҳўжалик юритувчи субъектлар сонининг кескин ортиб бориши банкротлик тўғрисидаги ишларнинг ҳам ошишига олиб келади. Судларда ишлар ҳажмининг ошиши иш сифатига таъсир қилади. Бу эса ариза ва шикоятларнинг кўпайиб кетишига олиб келади.

---

---

Шуларни эътиборга олиб, хориж тажрибасига таянган ҳолда, банкротлик тўғрисидаги ишларни кўрувчи алоҳида судьяларни ташкил қилиш, яъни судьяларни ихтисослаштириш мақсадга мувофиқ деб биламан. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузурида Судьялар олий мактаби ташкил этилган. Фикримча, ушбу мактабда айнан банкротлик соҳаси бўйича судьяларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил қилиш керак назаримда. Агар ушбу таклифим амалга ошса, судларнинг иш унуми ошади ҳамда банкротлик ишларини кўриш сифати ортади.

Банкротлик судларида ишларни юритиш учун алоҳида банкротлик кодекси ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Агар ушбу таклифим амалга ошса банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича қонуний, асосли ва адолатли қарор чиқарилишига эришилади.

---

#### **Иқтибослар/Сноски/References**

---

1. Statistics information URL: // <http://www.lex.uz>.
2. Statistics information URL: // <http://www.sud.uz/statistik/ma'lumotlar>.
3. URL: <https://ru.wikipedia.org/wiki>.
4. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судларда ишларни автоматик тарзда тақсимлаш тўғрисидаги Низом (The Republic of Uzbekistan automatically regulates cases in economic courts) URL:// <http://www.sud.uz>.